



ГИЁВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛАБ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, ОЛИШ, САҚЛАШ ВА БОШҚА ҲАРАКАТЛАР ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК УЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЎТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИ ТУШУНЧАСИ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўхтабоев Шохаббос Ўлмас ўғли

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси катта
терговчиси, капитан

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10571128>

ARTICLE INFO

Received: 18th January 2024

Accepted: 25th January 2024

Online: 26th January 2024

KEY WORDS

Гиёвандлик воситалари,
психотроп моддалар, қонунга
хилоф, ўтказиш, олиш,
тергов, тактика.

ABSTRACT

Мазкур мақолада гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жинояти бўйича фикр-мулоҳазалар юритилиб, мазкур жиноятни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаларида жуда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жиноят ва жиноят процессуал қонунчиликларда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар¹нинг қабул қилинганлиги ва амалиётга жорий этилганлигини фикримизни тасдиғидир.

Жиноят содир этилгани ёки уни содир этилишига тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида хабарни текшириш ва тегишлича жиноятни аниқлаш, унда айбли шахсларни фош этиш демократик ҳуқуқий давлат органларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки соғлиқ инсон учун ҳаёт каби энг олий неъматдир. Соғлиқни муҳофаза қилиш тизими бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, илмий, тиббий ҳамда санитар-гигиеник каби йўналишлардаги комплекс чоратадбирлар орқали амалга оширилиб, ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилгандир. Шу муносабат билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлиғини муҳофаза қилишда ҳуқуқий чоралар муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг соғлиғига жиддий зарар етказадиган, жамият учун хавfli иллатлардан бири ҳисобланган гиёвандлик муаммоси сўнги йилларда нафақат

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // <https://www.lex.uz/>



республикаларда, балки бутун дунё жамоатчилигини ҳам таъшишга солмоқда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, мамлакатимиздаги криминоген вазиятга, жамиятимиз иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади. Гиёҳвандликнинг бутун дунёда тарқалиш миқёси ва тезлиги шу қадар кучлики, улар ёшларнинг жисмоний ва ахлоқий ривожланиши ҳамда келажагини барбод қилади, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига путур етказди, миллат генафонини издан чиқаради, демографик ҳолатга салбий таъсир кўрсатади².

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз 1995 йил февраль ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги – “Наркотик моддалар тўғрисида”ги Ягона Конвенцияси, 1971 йилдаги – “Психотроп моддалар тўғрисида”ги ҳамда 1988 йилдаги – “Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияларига аъзо бўлган. Юқоридагилардан кўриш мумкинки, мамлакатимиз томонидан гиёҳвандлик соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ўзининг фаоллиги билан ажралиб туради.

Бу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг ўсиб бораётганлиги ва аҳоли соғлиғини ҳимоя қилишнинг муҳимлиги мазкур жиноятларнинг зарурий белгиларини, уларни квалификация қилиш қоидаларини ҳамда жиноят қилишни алоҳида усулларини батафсил таҳлил қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ҳар бир тушунчани тўлиқ англаб етишимиз учун унинг луғавий маъносини ўрганишни тақозо қилади. Жиноят қонунчилигида “гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар” тушунчаси мавжуд эмас, бироқ жиноят ҳуқуқи назариясида бу турдаги жиноятлар деганда, жиноят қонунида жазо қўллаш таҳдиди билан назарда тутилган, инсон соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомала қилиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, айбли ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тушунчаси амалдаги Жиноят кодекси махсус қисмининг VIII бўлимида гиёҳвандлик воситалари деб, “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 йилги Ягона конвенциясининг 1 ва 2-рўйхатларига киритилган табиий ва сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари³, психотроп моддалар деганда эса, БМТнинг “Психотроп моддалар ҳақида”ги 1971 йилги конвенциясининг 1, 2, 3 ва 4-рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ва синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал ҳисобланиши назарда тутилган⁴.

Жиноят қонунчилигида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг номи ва миқдорлари наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон

² Отажонов А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар. – Т., 2013. – Б. 5.

³ ООН “Едина конвенция о наркотических средствах” <https://lex.uz/docs/2673450>.

⁴ Қутлимуратов И.М. Янги психофаол наркотик моддалар тарқалишига қарши курашишнинг долзарб масалалари. – Т. ИИВ Академияси ахборотномаси №4. 2018 йил. Б. 13.



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 878-сонли қарори⁵ билан тасдиқланганлиги белгиланган.

Табиий гиёҳвандлик воситаларига қуйидагилар мансублигини айтиб ўтиш мумкин:

- кўкноридан ишлаб чиқарилган ҳосилалар – ухлатувчи кўк-нори, кўк- норининг сомони, экстрациялий опий, опий, морфен, кодеин, героин;
- ҳинд наша ўтининг ҳосилалари коннабис, марихуана, гашиш(наша,план), гашиш ёғи;
- кокаин тупларини ҳосилалари, эпедрин, невретин⁶.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси 273-моддасида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун жавобгарлик белгиланган.

Ҳар бир жиноятни тергов қилишда суриштирувчи ва терговчилар томонидан қонунчиликда белгиланган процессуал ва тергов ҳаракатларини тўлиқ, объектив ва қонуний амалга ошириш талаб этилади. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятини тергов қилишда терговчининг оптимал натижага эришиши деганда, – энг кам вақт, куч ва маблағ сарфлаган ҳолда жиноятни тўлиқ, холис ва ҳар томонлама фош этилишини тушуниш лозим. Жиноят ишларини самарали тергов қилишда у ёки бу тоифа жиноятларнинг криминалистик тавсифи муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Жиноятларни ўрганишнинг муҳим элементларидан бири - бу жиноятни содир этиш усули, шарт-шароитлари, жиной тажовуз субъектининг шахси ва бошқалар бўйича энг мақбул тусмоллар тизимини яратиш учун туртки сифатида криминалистик тавсиф бўлиши керак. Бу муаммони ишлаб чиқишга энг кўп таъриф ва ёндашувлар мавжудлиги криминалист-олимларнинг ўрганилаётган масалага нисбатан қизиқиши катта эканлигидан далолат беради. Жиноятнинг криминалистик тавсифи ўрни, мазмуни ва тузилиши тўғрисидаги давом этиб келаётган илмий мунозаралар мазкур назариянинг шаклланиш жараёни ҳали яқунланмаганлигини кўрсатади.

Жиноятнинг криминалистик тавсифи тушунчасининг мазмунига нисбатан олимларнинг қарашларини турли гуруҳларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ вакиллари жиноятнинг криминалистик мазмунини кенг талқин этадилар. Мисол учун, И.Ф.Герасимовнинг фикрига кўра, криминалистик тавсиф мазмунига қуйидагилар

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.10.2018 й., 09/18/878/2120-сон. <https://lex.uz/docs/4025361?otherlang=1>

⁶ Н.Т.Абдуллаев. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилишда тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларининг аҳамияти. Сиёсатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнали. http://t.me/ScienceBox_official 2022. Б.19



киради: жиноятнинг тарқалганлиги тўғрисидаги маълумотлар, жиноятларни аниқлаш ва топишнинг ўзига хос хусусиятлари, жиноят содир этилган жой, уни содир этиш усули, уни яшириш ва “ниқоблаш” тўғрисидаги маълумотлар, жиноятчининг шахси тўғрисидаги маълумот, типик тергов вазиятларининг тавсифлари⁷ дейди.

А.Н.Басалаев ва В.А.Гуняев жиноятнинг криминалистик мазмунига унинг кенг тарқалганлиги ва моддий ҳамда идеал излар тизими тўғрисидаги маълумотларни киритишди⁸.

Кўрсатилган муаллифлар жиноятнинг криминалистик тавсифи мазмунини жуда кенг талқин қилгандек туюлади. Масалан, жиноятнинг тарқалганлиги тўғрисидаги маълумотлар криминалистик тавсифнинг элементи сифатида ўрганилмаслиги керак. Чунки идеал излар масаласи биров баҳсли мавзудир. Бироқ, бу ҳақда Р.С.Белкин жиноят излари таърифи жиноятни содир этиш усуллари жиноят механизмларини очиш воситаларидан бири сифатида таърифлашнинг мантиқий натижаси ҳисобланади⁹ дейди.

Ғ.А.Абдумажидов жиноятларнинг криминалистик тавсифига “кўриб чиқиладиган жиноят турларининг энг муҳим томонлари тўғрисидаги умумлаштирилган далилий маълумотлар ҳамда уларга асосланган илмий хулосалар ва тавсиялар тизими¹⁰” деб таъриф берган.

Фикримизча, жиноятларнинг криминалистик тавсифини яратиш учун асос бўлиб, субъект, унинг ҳаракат усули, шароити, жойи, тажовуз предметидан иборат ижтимоий хавфли қилмишнинг функционал ва фаол тузилиши ҳисобланади.

Ўйлашимизча, таҳлил қилинадиган масала бўйича олимларнинг ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи таркиби қуйидаги элементлардан иборат деб ҳисоблаймиз:

1. Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятларининг мотив ва мақсади;
2. Жиноят содир этилган вазият (вақт, жой ва бошқа ҳолатлар, жиноятни содир этишнинг асосий усуллари);
3. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг хусусиятлари;
4. Жиноятни содир этиш иштирокчилари;
5. Жиноятни содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитлар.

⁷ Герасимов И.Ф. Криминалистические характеристики преступлений методике расследования // Методика расследования преступлений. - М., 2016, -С. 94-95.

⁸ Басалаев А.Н., Гуняев В.А. Криминалистическая характеристика преступления (общее понятие и практическое значение) // Методика расследования преступлений. - М., 1976. - С. 100.

⁹ Белкин Р.С. Курс криминалистики в 3 т. Т. 3.: Криминалистические средства, приемы и рекомендации. - М.: Юристъ, 1997. - С. 314.

¹⁰ Абдумажидов.Ғ.А. Криминалистика: Дарслик. -Т.,2003.-Б.219



Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноятнинг криминалистик тавсифини ўрганиш ва таҳлил қилиш жиноят ишни тўлиқ ва объектив тергов қилинишини таъминлайди деб ҳисобаймз.

Гиёҳвандлик жиноятларида жиноий иш қўзғатилишининг энг кенг тарқалган сабаби гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши соҳасидаги ноқонуний фаолият фактларини бевосита аниқлашдир. Бундай ҳолда, қуйидаги иккита ҳолатни ажратиб кўрсатиш лозим:

1) тезкор-қидирув тадбирлари материалларини амалга оширишда, яъни терговга қадар текширув жараёнида иштирок этган шахслар, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини сақлаш ёки тарқатиш жойлари маълум бўлган ҳолларда;

Биринчи ҳолларда гумон қилинувчи шахсларни ушлаш ва қидирувга бериш, гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш, сақлаш ёки сотиш билан шуғулланган бошқа шахсларни аниқлаш, гиёҳвандлик воситаларини олиш манбасини аниқлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари режаси тузилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари материалларига кўра, жиноят ишлари кўпинча гиёҳванд моддаларни сақлаш жойлари ташкилотчилари ва эгаларининг, шунингдек, ушбу мақсадлар учун бинолар билан таъминланган шахсларнинг жиноий ҳаракатлари бўйича қўзғатилади.

2) гиёҳвандликка чалинган шахс ёки бошқа шахслар гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний муомалада бўлиш вақтида тасодифан аниқланган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти мураккаблашади. Бундай ҳолатда ушлаб турилган шахс ва гувоҳлардан тушунтиришлар олиш, дастлабки экспертизалар тайинлаш чоралари кўрилади.

Терговчи оператив ходимлар билан биргаликда тезкор материалларни амалга ошириш режасини тузади ва бунинг асосий мақсади тўлиқ жиноят содир қилган шахсларни тўлиқ ушлаш чораларини амалга оширишдир¹¹.

Жиноят содир қилган шахсларни ушлаш чоралари ёки уларнинг фош қилиш ҳамкорликдаги гуруҳ аъзолари томонидан аниқ белгиланган режалар асосида амалга оширилиши жуда муҳимдир. Бу эса далилларни процессуал жиҳатдан тўғри аниқланишини ва тўпланишини кафолатлайди.

Тезкор ходимлар томонидан жиноятчиларни ушлаш вақтида кўпинча фақат битта мақсадга - гиёҳванд моддаларни олиб қўйишга эришишга эътибор қаратадилар ва янги далилларни аниқлаш ва мустақамлашга, баъзан эса олиб қўйиш фактининг тўғри процессуал расмийлаштирилишига аҳамият бермайдилар. Айнан шунинг учун ҳам ҳар бир тезкор-қидирув тадбирларини ҳамкорликда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят иши қўзғатилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи томонидан ўтказиладиган ҳар бир процессуал ва тергов ҳаракатларининг тўғри танланганлиги ишни тўлиқ тергов қилинишида муҳим урин тутати. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан

¹¹ Криминалистика: Учебник под ред. Е.П.Ищенко. М., 2004. С.654.



ҳолда гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларда суриштирувчи ва терговчилар томонидан асосан қуйидаги тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- экспертиза тайинлаш;
- сўроқ қилиш;
- юзлаштириш;
- тинтув ўтказиш;
- олиб қўйиш;
- кўздан кечириш;
- нарсани ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйиш ва ҳ.к.

Юқорида кўрсатилган тергов ҳаракатларидан ташқари ҳам бошқа тергов ҳаракатларини иш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш мумкин.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятларини тергов қилишда мазкур жиноятларнинг криминалистик тавсифи ҳамда юзага келадиган типик тергов вазиятларини таҳлил қилиш каби вазифалар қаторида, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўрганиш, улар юзасидан далиллар тўплаш, текшириш ва баҳолаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг тез, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши дастлабки терговнинг самарадорлиги ва сифати юқори бўлишини таъминлайди

З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлагановалар жиноят процессида далил ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар энг муҳим масалалардан ҳисобланиб, жиноятни очиш, айбланувчини фош этиш, жазони муқаррарлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга¹² деб таъкидлайди.

Б.Б.Муродов фикрича, исботлаш чегараси деганда, иш бўйича чиқарилган хулосаларнинг асослигини тасдиқлаш учун далиллар, уларнинг манбалари ҳажми, шунингдек тергов версиялари, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш доирасини белгилаб берувчи фаолиятни тушуниш лозим¹³.

Ғ.А. Абдумажидов, Р.А. Алимова, Т.Э. Арипов ва бошқа олимлар исботланиши лозим бўлган ҳолатларга жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементларидан бири сифатида қарашни таклиф қилишади¹⁴.

Жиноятларни тергов қилишда ситуацион ёндашувдан фойдаланиш лозим. Ушбу ёндашув ҳар бир кейинги ҳаракат аввалгисининг натижалари билан боғлиқ бўлишини назарда тутди. Хулоса ўрнида, жиноятларни самарали тергов қилиш, айбдор шахсларнинг айбини исботлаш, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни

¹² З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» фанидан ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. –433 бет.

¹³ Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 490 б.

¹⁴ Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Арипов Т.Э. ва бошқ.Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003 – Б.15.



ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятлари бўйича ўтказилиши лозим бўлган қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги (алгоритми) ишлаб чиқилди:

1) ашёвий далил тариқасида олинган гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар бўйича судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ва хулосасини олиш (асосан терговга қадар текширув вақтида амалга оширилади);

2) тезкор-қидирув тадбирлари натижасида жиноятни содир этган шахс қўлга олинганида ёки ҳодиса жойида бўлганида, шахсий тинтув қилиш орқали ёнида сақланаётган бўлиши мумкин бўлган жиноят содир этилишига сабаб бўлган нарса ва ҳужжатларни ёки жиноятни содир этишда фойдаланилган ашёвий далилларни олиб қўйиш;

3) жиноят иши қўзғатиш ва гумон қилинувчини шахсини тавсифловчи маълумотларни йиғиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражасидан келиб чиқиб, ҳимоя ҳуқуқини таъминлаган ҳолда ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва сўроқ қилиш (лозим бўлса ушлаб туриш чораларини қўллаш);

4) гумон қилинувчини экспертиза қарори ва хулосалари билан таништириш;

5) тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этган шахсларни ёки аниқланган ҳолатга бевосита шохид бўлган гувоҳлардан кўрсатувлар олиш;

6) гувоҳларнинг кўрсатувларида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган тақдирда улар билан юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш;

7) ишга алоқадор бўлган бошқа гувоҳларни сўроқ қилиш;

8) сўроқ қилиш тергов ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш юзасидан тезкор ходимларга топшириқлар бериш;

9) иш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда гумон қилинувчи ва унга яқин бўлган шахсларнинг яшаш хонадонларида ва қўшимча хўжалик биноларида тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш;

10) гумон қилинувчини ҳолатини билиш мақсадида унга нисбатан наркологик экспертиза тайинлаш ва хулосасини олиш;

11) нарса, теварак-атроф ёки биноларни кўздан кечириш;

12) гумон қилинувчи ва гувоҳлар билан бирга таниб олиш учун кўрсатиш;

13) гумон қилинувчининг кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;

14) ишга алоқадор бўлган нарсаларни ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш ҳақида қарор чиқариш;

15) шахсни ишга айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва сўроқ қилиш;

16) қилмишнинг ҳамда шахснинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб ҳолда эҳтиёт чораси танлаш (агар эҳтиёт чораси танланмаган бўлса);

17) айбланувчини ҳамда жабрланувчини жиноят иши ҳужжатлари билан таништириш;

18) айблов хулосаси, жиноят иши маълумотномаси ҳамда суд залига чақирилувчилар рўйхатини тузиш;



19) жиноят ишида мавжуд бўлган далилий ашёларнинг қаерда сақланаётганлиги бўйича таққослаш далолатномаси тузиш.

Хулоса қилиб айтганда, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни тергов қилишда терговчининг тергов ва процессуал ҳаракатларни тўғри қўллаши ушбу турдаги жиноятларни муваффақиятли очиш, сифатли, тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш, айбдорларни фош этиш, ушбу турдаги жиноятларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. // <https://www.lex.uz/>
2. *Отажонов А.А.* Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар. – Т., 2013. – Б. 5.
3. ООН “Единая конвенция о наркотических средствах” <https://lex.uz/docs/2673450>.
4. *Қутлимуратов И.М.* Янги психофаол наркотик моддалар тарқалишига қарши курашишнинг долзарб масалалари. – Т. ИИВ Академияси ахборотномаси №4. 2018 йил.Б. 13.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.10.2018 й., 09/18/878/2120-сон. <https://lex.uz/docs/4025361?otherlang=1>
6. *Н.Т.Абдуллаев.* Гиёвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилишда тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларининг аҳамияти. Сиёсатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнали. http://t.me/ScienceBox_official 2022. Б.19
7. *Герасимов И.Ф.* Криминалистические характеристики преступлений методике расследования // Методика расследования преступлений. - М., 2016,-С. 94-95.
8. *Басалаев А.Н., Гуняев В.А.* Криминалистическая характеристика преступления (общее понятие и практическое значение) // Методика расследования преступлений. - М., 1976. - С. 100.
9. *Белкин Р.С.* Курс криминалистики в 3 т. Т. 3.: Криминалистические средства, приемы и рекомендации. - М.: Юристъ, 1997. - С. 314.
10. *Абдумажидов.Ғ.А.* Криминалистика: Дарслик. -Т.,2003.-Б.219.
11. Криминалистика: Учебник под ред. Е.П.Ищенко. М., 2004. С.654.
12. *З.Ф.Иноғомжорова, Г.З.Тўлаганова* «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» фанидан ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2012. –433 бет.
13. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, профессор М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 490 б.
14. *Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Арипов Т.Э.* ва бошқ. Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003 – Б.15.